

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSс.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

**НАЗИРОВ МУХТОР МАХМУДОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР  
ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

УЎК: 321 (54)  
КБК: 66.0 (54)  
Н - 32

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
in Political Sciences**

**Назирова Мухтор Махмудович**

Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнлар эволюциясининг  
ўзига хос хусусиятлари ..... 3

**Назирова Мухтор Махмудович**

Особенности эволюции политических процессов в государствах  
Центральной Азии ..... 25

**Nazirov Mukhtor Makhmudovich**

Features of the evolution of political processes in the states  
of Central Asia ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

**НАЗИРОВ МУХТОР МАХМУДОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР  
ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайтида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саидолимов Саидхон Талъат ўғли**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Равшанов Фазлиддин Равшанович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Мухаммадсидиков Мухаммадолим Мухамматрозиқ ўғли**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Ётақчи ташкилот:**


**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «17» 03 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават. 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий Университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси. 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2020 йил «3» 03 куни тарқатилди.

(2020 йил «28» 02 даги 16 - рақамли реестр баённомаси).

  
**Ш.И.Пахруiddинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**А.Х.Холмахматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD)

  
**У.Ю.Идилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., с.ф.д., профессор



## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида собиқ иттифоқ ва унинг республикаларида жиддий сиёсий трансформациялар, иқтисодий ва ижтимоий бухронлар юз берди. Натижада Марказий Осиё минтақасида янги мустақил давлатлар вужудга келди. Ички ва ташқи омиллар таъсирида постсовет худудида тез суръатларда ўзгариб борган ўткир воқеа-ҳодисалар Марказий Осиё республикаларидаги умумий аҳволга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ўша даврга хос бўлган ноаниқ ва мураккаб шароитда минтақа халқлари ўз тақдирини ўзи белгилашига тўғри келди. Минтақа республикаларидаги оғир иқтисодий аҳвол, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви ҳамда тўпланиб қолган бошқа кўплаб ижтимоий муаммолар авж олган бир шароитда миллий тараққиётнинг тақдирини кўп жиҳатдан сиёсий етакчиларга боғлиқ эди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги илмий марказлар томонидан Марказий Осиё минтақаси давлатларидаги сиёсий жараёнлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улардаги асосий тенденциялар таҳлилига бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий доираларда Марказий Осиё мамлакатларида хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий тараққиётни янги сифат босқичига кўтариш каби масалаларга нисбатан бир қатор қараш ва прогнозлар илгари сурилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти тизимидаги сиёсий транзит каби жараёнлар минтақа мамлакатларида кечаётган сиёсий жараёнларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралаётгани ушбу мавзунинг тадқиқ этишга бўлган эътиборини янада оширмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда демократик тараққиёт йўлини изчиллик билан амалга оширишдан иборат стратегик вазифалар белгилаб олинди. Чорак асрдан ортиқ давр давомида Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида бир қатор амалий ҳаракатлар олиб борилди. Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз «миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари»<sup>1</sup> тамойили асосида тараққиётнинг янги сифат босқичини давом эттирмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат натижасида Марказий Осиёдаги вазиятнинг кескин ўзгариши кузатилмоқда, минтақа давлатларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлари учун ижобий муҳит ва сифат жиҳатдан янги шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё давлатларида миллий давлатчиликни барпо этишнинг сиёсий, тарихий, ғоявий-мафкуравий негизлари, давлат ва жамият бошқаруви институтларининг ривожланиш моделларини комплекс тадқиқ этиш, минтақа давлатларидаги сиёсий транзит босқичлари ва унинг устувор жиҳатларини қиёсий таҳлил этиш, сиёсий жараёнларнинг ривожланиш эволюцияси, ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, мазкур контекстда Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини илмий асослашга

---

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил 1 сентябрь

алоҳида эътибор қаратиш ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сиёсий жараён ҳодисасига оид концептуал қарашлар ва ёндашувларни ўзида мужассам этган манбалар, Марказий Осиё минтақаси давлатларида кечаётган сиёсий жараёнларнинг хусусиятлари, омиллари ва замонавий тенденциялари тадқиқотига бағишланган илмий ишларни бир неча гуруҳга бўлиб, таҳлил қилиш мумкин.

*Биринчи гуруҳ.* Сиёсий жараён ҳодисасини илмий-назарий, методологик тадқиқ этиш бўйича кўплаб хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур изланишлар тадқиқ этилаётган мавзу кўп қиррали бўлгани боис унинг у ёки бу жиҳатларини ўрганишда назарий асос бўлди. Ж.Мангейм, Т.Парсонс, С.Хантингтон, Д.Истон, Р.Даль, Л.Пай, Г.Алмонд ва бошқа бир қатор хорижлик назариётчи олимлар изланишларида<sup>1</sup> сиёсий жараёнлар, уларнинг турлари, шакллари, динамикасига оид концептуал қараш ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. МДҲ давлатлари олимлари Р.Мухаев, А.Дегтярев, А.Мельвиль, Е.Мелешкина, К.Боришполец, А.Ахременко ва бошқаларнинг изланишларида сиёсий жараёнларни постсовет ҳудуди контекстида таснифлаш ва таҳлил этиш услублари кенг ёритилган<sup>2</sup>. И.Эргашев, А.Қодиров, Р.Жумаев, С.Жўраев, Р.Фармонов, Р.Самаров каби ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишларида<sup>3</sup> сиёсий жараёнларнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий тизим, сиёсий мафкуралар эволюцияси, сиёсий модернизация ҳодисасига оид назарий масалалар тадқиқ этилган.

<sup>1</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

<sup>3</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

*Иккинчи гуруҳга* Марказий Осиё минтақасини комплекс тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларни киритиш мумкин. Марказий Осиё давлатларида янги миллий давлатчилик асосларининг шаклланиши, суверен тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши, минтақада сиёсий жараёнлар кечишининг турли жиҳатлари М.Олкотт, Г.Глизон, Ш.Акинер, Ф.Старр, М.Оливье, С.Пейруз каби америкалик, европалик олим ва экспертлар томонидан таҳлил қилинган, айниқса сўнгги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган юксалиш жараёнларининг асосий тенденциялари М.Ларюэль, Э.Боуйер, Д.Бургхарт, М.Север<sup>1</sup> ишларида ўрганилган. А.Казанцев, А.Малашенко, Д.Малышева, И.Звягельская, З.Дадабаева, М.Лаумулин, Е.Карин, С.Кушкумбаев, Н.Омаров, А.Князев, А.Мамадазимов ва бошқа МДХ давлатлари олимларининг тадқиқотларида постсовет даврида Марказий Осиёнинг ички ва ташқи конъюнктура таъсирида ривожланиш хусусиятлари, минтақа давлатларидаги сиёсий жараёнлар динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Марказий Осиёни сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этилган ўнлаб илмий нашрлар чоп этилган. Хусусан, Р.Алимов, С.Сафоев, У.Хасанов, С.Саидолимов, Ч.Кўчаров, А.Жалилов, И.Бобокулов, Ф.Толипов, Ф.Бафоев ва бошқа олимлар изланишларида минтақанинг геосиёсий ҳолати ва ташқи куч омили, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳамкорлик ва минтақавий интеграция, миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик каби масалаларга эътибор қаратилган<sup>3</sup>. Шу ўринда Марказий Осиёга бағишланган янги тадқиқотларни алоҳида қайд этиш лозим. О.Сирожовнинг «Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари» мавзуидаги докторлик диссертациясида Марказий Осиё давлатларидаги миллий ва минтақавий манфаатлар таснифи, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, минтақавий тараққиётни таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Н.Назаровнинг «Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар такомиллашувининг фалсафий-функционал тадқиқи» мавзуидаги докторлик диссертациясида Марказий Осиёда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш жараёнлари таҳлил этилган, кўшни давлатлардаги ўзбек маданий бирлашмалари минтақавий ҳамкорликни таъминловчи куч сифатида кўриб чиқилган.

Марказий Осиёга доир илмий изланишларда минтақанинг ҳозирги кундаги умумий характеристикасини очиб берувчи илмий хулосалар ва бой фактик материаллар тизимлаштирилиб, тақдим этилган. Тадқиқот ишимизда эса Марказий Осиё давлатларида мустақиллик йилларида кечаётган ички сиёсий жараёнларни ретроспектив таҳлил қилиш орқали минтақадаги янги тенденциялар очиб берилган.

*Учинчи гуруҳ:* Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистонда жамият сиёсий тизимини модернизация қилиш жараёнларининг эволюцияси, фуқаролик жамияти асосларини такомиллаштириш масалалари М.Раҳмонкулов,

<sup>1</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

<sup>3</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Ш.Пахрутдинов, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, Т.Жўраев, С.Жўраев, У.Идилов, Р.Жумаев, Р.Фармонов, Ф.Равшанов, Б.Туйчиев, М.Бекмуродов, Ж.Мавлонов<sup>1</sup> каби ўзбек олимларининг илмий ишларида атрофлича тадқиқ этилган. К.Юнусов, Т.Алимардонов, О.Жумаев, Р.Қодиров ўз изланишларида Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни тузилмавий-функционал тадқиқ этиш, мустақиллик шароитида жамиятнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиши, Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиши, «Ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни таҳлил этганлар. Айниқса Ф.Жўракулов, К.Мирзаахмедов, Ш.Мавлоновларнинг янги тадқиқотларида Ўзбекистонда давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш, давлат бошқарувини демократлаштириш эволюцияси, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маънавий трансформацияси ўрганилган<sup>2</sup>. Юқоридаги илмий ишлардан фарқли ўлароқ, тадқиқ этилаётган мавзуда Ўзбекистон сиёсий тараққиётида эволюцион ривожланиш билан боғлиқ намоён бўлаётган етакчи тенденциялар Марказий Осиё давлатларида кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан қиёсий таҳлил контекстида очиб берилган.

Умуман, юқорида қайд этилган барча тадқиқотларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиёга доир илмий ишларда минтақа давлатлари кесимидаги ёндашув кам учрайди. Ўтган йиллар давомида Марказий Осиё давлатларида юз берган кўп қиррали сиёсий жараёнлар уларнинг ривожланиш босқичлари ва эволюциясидаги ўзига хос хусусиятларни Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №10 - «Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири» мавзуидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Осиё минтақаси давлатларида кечаётган ички сиёсий жараёнларнинг эволюцияси ва унинг ўзига хос хусусиятларини институционал ва ташкилий-функционал ёндашувлар асосида ретроспектив тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«сиёсий жараён» ҳодисаси борасидаги замонавий концептуал қараш ва талқинларни қиёсий таҳлил этиш;

сиёсий жараёнларни таҳлил этиш услублари ва ёндашувларини ўзаро узвийликда ўрганиш;

сиёсий жараёнларни таснифлаш ҳамда ривожланиш хусусиятларини кўрсатиб бериш;

<sup>1</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.



Марказий Осиё давлатларида ўтиш даври ва мустақил тараққиёт асосларининг шаклланишини, сиёсий ислохотлар стратегияси ва унинг барқарор тараққиётга таъсирини таҳлил қилиш;

Марказий Осиё давлатларида сиёсий модернизация жараёнлари янги босқичининг конституциявий асосларини тадқиқ этиш;

Марказий Осиё давлатларида сиёсий ҳокимият трансформациясининг асосий тенденцияларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда сиёсий модернизация янги сифат босқичининг стратегик йўналишлари ва истиқболларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** мустақиллик йилларида Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнларнинг эволюцияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** – Марказий Осиё давлатларида кечаётган сиёсий жараёнларнинг умумий мазмуни, характери ва йўналишлари ҳамда уларнинг эволюциясига таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тизимлаштириш, ретроспектив, қиёсий, эмпирик, омилли таҳлил услублардан ҳамда институционал, тузилмавий-функционал ва бошқа фанлараро ёндашувлардан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот ишида контент-таҳлил, ивент-таҳлил каби амалий таҳлил услубларидан ҳам кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«сиёсий жараён» ҳодисасининг замонавий хусусиятлари муаллифлик ёндашуви билан илмий асосланган ҳамда Марказий Осиё давлатларида сиёсий жараёнларнинг кечиши, ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

Марказий Осиё давлатларида ўтиш давридаги сиёсий ислохотлар стратегиясининг амалга ошириш усуллари (тадрижий, инқирозли, инқилобий), ўзига хос жиҳатлари (кучли президентлик институти; тарихий, соcio-маданий ва мафкуравий заминларга эга авторитар бошқарув анъаналари; жамиятнинг демократик консолидациялашувига патернализм, норасмий ҳудудий, уруғ-қабилла муносабатларининг таъсири; дунёвий, демократик давлатчилик йўли муқаррар тус олганлиги қабилар) очиб берилган;

Марказий Осиё мамлакатлари давлат ҳокимияти тизимида рўй бераётган сиёсий транзит ҳодисасининг демократик тамойиллар асосида амалга оширилиши минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш омили эканлиги илмий асосланган;

Марказий Осиё давлатларида кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан қиёсий таҳлил контекстида Ўзбекистон сиёсий тараққиётида намоён бўлаётган эволюцион ривожланиш, миллий ва умумбашарий негизлардан келиб чиқувчи демократик асосларни қарор топтириш билан боғлиқ етакчи тенденциялар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

сиёсий жараёнларни турли даражаларда назарий ва амалий тадқиқ этишга доир ёндашув ва услубларни уйғунлаштирган ҳолда юқори самарадорликка эришиш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган;

Марказий Осиё давлатларидаги демократик тамойиллардан келиб чиқиб миллий давлатчилик асосларини яратиш билан боғлиқ *ўтмиш даври* ҳамда янги сифат босқичида давлат ва жамият қурилишининг тараққиёти билан боғлиқ *модернизация даври* хусусиятлари янги маълумотлар асосида очиб берилган;

Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнларнинг кечиши ва истиқболлари юзасидан қараш ва ёндашувларни тизимлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий сиёсатшуносликда эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилгани, маълумотлар расмий манбалардан, тадқиқот марказларининг таҳлилий ҳужжатларидан, оммавий ахборот воситаларидан олингани, ОАК рўйхатига кирадиган республика ва хорижий журналларда, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференциялар тўпламларида мақолалар чоп этилгани ҳамда хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тегишлича тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти** «сиёсий жараён» ҳодисасининг концептуал асослари ўрганилгани ва Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнлар хусусиятлари қиёсий таҳлил этилганлиги ҳамда унинг натижаларидан ушбу йўналишдаги назарий-фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан Олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида «Сиёсатшунослик асослари», «Жаҳон сиёсати», «Геосиёсат», «Фуқаролик жамияти» каби қатор ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув қўлланмалар ва ўқув-методик тавсияларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Марказий Осиёни, минтақа давлатларидаги сиёсий жараёнларни таҳлил этиш билан шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Сиёсий жараён» ҳодисасининг замонавий моҳияти, Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнлар эволюциясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

давлат ҳокимияти ва бошқарувига оид янгича назарий ёндашувлар, жамият сиёсий тизимини модернизациялаш жараёнлари, жамият ҳаётини демократлаштиришда ахборот ва сўз эркинлигининг устувор масалалари оид концептуал ғоя ва хулосалардан Давлат илмий-техника дастури доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-067+Ф1-089 рақамли «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида ҳамда унинг якунида чоп этилган монографияда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 9 февралдаги ФТК-0313/148-сонли маълумотномаси). Мазкур монографияда илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги ўзгаришларни янгича ёндашув ва тамойиллар асосида ёритиш

имконини берган ҳамда мамлакатимизда сиёсий жараёнларни ўрганишнинг концептуал асосларини ривожлантиришга хизмат қилган;

2016 йилнинг 12-30 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўка туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари учун ташкил этилган семинар-тренингларда мамлакатимизда жамият сиёсий тизими ва шаклланиб бораётган фуқаролик жамияти масалаларига доир илмий-амалий хулосалардан кенг фойдаланилган. (Бўка тумани ҳокимининг 2016 йил 30 ноябрдаги 2/5-2379-сонли хати). Ушбу хулосалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига юқори сиёсий-ҳуқуқий даражада тайёргарлик кўрилиши ҳамда ўтказилишини таъминлашга катта ҳисса қўшган;

2016 йилнинг 12-30 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 42 та участка сайлов комиссияларининг раислари учун ташкил этилган семинар-тренингларда мамлакатимизнинг демократик тараққиёти изчиллиги ва барқарорлигини таъминлашда сайловларнинг аҳамияти, мамлакатимизда сиёсий жараёнлар янги сифат босқичининг мазмун-моҳиятига доир хулосалардан кенг фойдаланилган. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмасининг 2017 йил 24 октябрдаги 06-04/397-сонли далолатномаси). Ушбу хулосалар участка сайлов комиссияларининг раислари ва аъзоларининг сайловга оид сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўнималарини оширишга катта ҳисса қўшган;

2018 йилнинг 14 март куни ўтказилган Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Марказий Кенгаши маъсул ходимларининг сиёсий ўқувида Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши кўшнилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақада янги конструктив дўстона муҳитни шакллантириш жараёнлари ва уларнинг истиқболларига доир илмий-амалий хулосалардан кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2018 йил 23 мартдаги 2-258-сонли далолатномаси). Марказий Осиёдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг мазмун-моҳияти оид амалий хулосалар партия ташкилотлари ходимларининг сиёсий билими ҳамда фаолият самарадорлиги ошишига ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (улардан 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 164 сафихани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Сиёсий жараёнларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб аталади. Ушбу бобда сиёсий жараён категориясининг моҳияти ва концептуал талқинлари, сиёсий жараёнларни таҳлил этишга доир ёндашув ва услублар, сиёсий жараёнларнинг таснифлари, ривожланиш хусусиятлари кўриб чиқилган.

Сиёсий жараённи алоҳида ҳодиса ва сиёсатшунослик фанининг асосий категорияларидан бири сифатида тадқиқ этилишида қуйидаги асосий жиҳатларга аҳамият қаратилди:

1. Сиёсий жараён категориясининг умумқабул қилинган ягона таърифи мавжуд эмаслигини эътироф этиш мумкин. «Сиёсий жараён» категориясини аниқлашда учта нуқтаи назар илмий доираларда кенг тарқалган. Биринчисида сиёсий жараён остида сиёсатда юз бераётган барча ҳодисалар тушунилади. Иккинчисида ушбу тушунча «сиёсат» категорияси билан бир маънода тушунилади. Учинчисида «сиёсий жараён» тушунчаси жамият сиёсий тизими ҳолатининг ўзгариши сифатида талқин этилади.

Фикримизча, сиёсий жараённинг ягона тўлиқ, аниқ таърифининг йўқлиги сиёсий соҳадаги ушбу ҳодисанинг жуда кўп ўлчовли бўлиши ва умумлаштирувчи хусусиятга эгалиги билан боғлиқдир. Сиёсий жараён борасида олимларнинг қарашлари ва талқинлари турфа хил бўлса-да, моҳиятан бир-бирига яқиндир, яъни улар сиёсий жараённинг муҳим манбалари, ҳолати ва шакллари тавсифлаш билан бир қаторда, унинг ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида белги ва хусусиятларини очиб беради. Тадқиқотларда сиёсий жараёнларнинг динамик ва функционал хусусиятлари кўпроқ юзага чиқаётганини эътиборга олиб, биз сиёсий жараён:

- динамик хусусиятлари жиҳатидан, муайян сиёсий мақсадларни амалга ошираётган кучларнинг ҳаракатлари йиғиндиси ҳамда ушбу фаолиятнинг сиёсий ҳодисаларга айланиб, ривожланиб боришидир (давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар, жамият ҳаётидаги кундалик ўзгаришлар, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилиши ва ҳоказо);

- функционал хусусиятлари жиҳатидан, жамият сиёсий тизимининг ривожланиши, унинг фаолият шакли ҳамда ушбу фаолият натижасининг муайян кўлам ва кўринишда намоён бўлиши (ислохотлар натижаси, инқироз, тараққиёт, инқилоб, ҳуқуқий-сиёсий легитимлик даражасининг ортиши, либераллашув, модернизация, сиёсий партиялар шаклланиши, сайлов кампанияси ва ҳоказолар) деган хулосага келдик.

2. Сиёсий жараён жамият сиёсий тизимининг умумий фаолияти, ундаги ички ва ташқи омиллар таъсирида юзага келувчи жамики функционал ва динамик ўзгаришларни ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

3. Жаҳонда сиёсий жараёнлар даврий эволюцияга учрайди, ҳар бир жамиятда сиёсий жараён ўзига хос юксалиш, етуклик ва таназзул циклларига такрор-такрор юз тутаяди.

Сиёсий жараённи таҳлил этишга оид замонавий методологик ёндашувларда асосий субъектлар, ресурслар, ўзаро алоқага киришиш усуллари ва шарт-шароитлари ҳамда бу алоқаларнинг мантикий изчиллиги каби элементларга эътибор қаратилади. Жаҳон илмий амалиётида сиёсий жараённинг характери ва мазмунини белгилаш, янада аниқроқ тушунтириш учун кўплаб методологик ёндашувлардан фойдаланилишига қарамай, бу ерда илмий тадқиқот инструментлари сифатида институционализм, бихевиоризм ва тузилмавий-функционал таҳлил, рационал танлов назарияси (жамоатчилик танлови деб ҳам юритилади), сиёсий дискурс назарияси каби ёндашувлар устуворлик қилади.

Илмий концепцияларда сиёсий жараённи таснифлашга қадриятлар, маданий хилма-хиллик, сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услублари ва сиёсий жараённинг кўлами, субъектлари ўртасидаги алоқалар нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Ғарб мамлакатлари ва Ғарбга мансуб бўлмаган мамлакатлардаги маҳаллий жамоатчиликнинг хулқ-атворини белгилаб берувчи сиёсий маданият ва цивилизациявий хусусиятларни таққослаш асносида сиёсий жараёнларнинг Ғарбга мансуб бўлган ва мансуб бўлмаган турини, горизонтал ва вертикал турини баён қилган америкалик олим Л.Пай концепцияси ҳам эътиборга молик. Шунингдек, Ж.Ричардсон, Г.Густафсон, Ж.Жордан томонидан илгари сурилган, «сиёсий усул» деб номланган концепция сиёсий жараёнда қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш технологиясини назарда тутаяди. Концепцияга кўра, сиёсий жараён ҳукуматнинг долзарб муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашуви сифатида баён этилади ҳамда сиёсий жараён иштирокчилари ўртасидаги алоқаларда қарорлар қабул қилиниш анъанаси асосида консенсусли, фаол ва жавоб берувчи турларига таснифланади.

Шунингдек, сиёсий жараёнларнинг бир қатор турлари ажратиб кўрсатилди: (таъсир доираси ва жамият ҳаётининг қамрови, мазмуни, амалга ошиш шакллари, мақсадлари ҳамда натижалари бўйича) кундалик, тарихий-сиёсий, эволюцион турлари; (ўзига хос хусусиятлари, жўшқинлик даражалари ва бирор мақсадга қаратилганига кўра) микро ва макро турлари; (сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услублари, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларга кўра) технократик, идеократик, харизматик турлари; (жамият сиёсий тизимининг динамикаси, унинг ҳолатлари ўзгариши бўйича) умумий ва хусусий турлари; (сиёсий ҳаётнинг замон ва маконда узлуксиз ривожланиши бўйича) маҳаллий-минтақавий ва глобал, ички тизимий ва ўтиш даврига оид, қонуний ва яширин турлари.

Транзитология нуқтаи назаридан сиёсий жараёнлар сиёсий маконда сиёсий ҳодисаларни ўзгартирувчи, ўзига хос шакл ва усулга эга бўлган ҳаракатлар

мавжудлиги билан изоҳланади. С.Хантингтон сиёсий жараёнлар кечиши, ривожланишининг учта (чизиқли ёки классик, тўлқинсимон ёки цикли, инверсион ёки диалектик) концептуал моделларини асослаб беради.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Марказий Осиё давлатларида мустақил тараққиёт асосларининг шаклланиши»** деб номланади. Ушбу бобда Марказий Осиё республикаларида янги миллий давлатчилик асослари шаклланишида сиёсий омиллар таъсири, истиқлол йилларида минтақа давлатларида белгилаб олинган тараққиёт моделларининг хилма-хиллиги, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида амалга оширилган сиёсий ислохотлар стратегияси, ички ривожланиш хусусиятларининг барқарор тараққиётга таъсири каби масалалар кўриб чиқилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий жараёнларнинг дастлабки босқичидаги бир қатор хусусиятлар очиб берилган.

Марказий Осиёда янги мустақил давлатлар ташкил топишининг шарт-шароитлари таҳлили шундан далолат берадики, XX асрнинг охирида минтақа республикаларидаги сиёсий вазият ўзига хос жиҳатларга кўра турлича эди, лекин уларнинг миллий истиқлолга эришиш йўлида умумий жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Масалан, миллий онгнинг ўсиши, давлат тили масаласининг кун тартибига қўйилиши, президентлик институтининг жорий этилиши, мустақиллик декларацияси ва унинг асосида давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда ниҳоят сиёсий суверенитетнинг расман эълон қилиниши шулар жумласидандир.

Марказий Осиё давлатларининг ҳар бирида тарихий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан кўп қиррали омиллар таъсирида шаклланган ўзига хос қадриятлар тизими жамият тараққиётига, янги демократик давлатчилик институтларининг шаклланиш жараёнларига ўз таъсирини кўрсатади.

Қозоғистондаги сиёсий вазият бир қанча доимий ва вақтинчалик ташқи ва ички омилларга кўра белгиланмоқда. Мамлакатда ички вазият ва унинг умумий ҳолатини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бири унинг тарихий шаклланган этноижтимоий ва этнодемографик хусусиятидир. Қозоғистон жамиятида манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим омили «жуз» тизимидир.

Қозоғистондаги сиёсий тизимнинг умумий ҳолати патрон-клиент муносабатлари<sup>1</sup> билан белгиланиб, қозоқ халқининг тарихан шаклланган уч субэтник гуруҳи - «катта жуз» (жанубий ва жануби-шарқий Қозоғистон), «ўрта жуз» (шимолӣ, марказий ва шарқий Қозоғистон), «кичик жуз» (ғарбий Қозоғистон) вакилларининг ҳокимият учун рақобати кўринишида амалга ошди. Ҳозирда қозоқ миллатига мансуб аҳолининг 35 фоизи «катта жуз» (11 та уруғ), 40 фоизи «ўрта жуз» (7 та уруғ), 25 фоизи «кичик жуз» (3 та уруғ) вакили ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Патрон-клиент муносабатлари – турли ҳокимият ресурслари, хизмат иерархиясига (патрон – юқори мансабга, клиент – қуйи мансабга) эга бўлган ҳамда турли субэтник гуруҳларга мансуб шахсларнинг ихтиёрий, барқарор муносабатлари тизимидир. Қаранг: Патрон-клиентские отношения в истории и современности: хрестоматия / [пер. с англ.]. – М.: Политическая энциклопедия, 2016. – 415 с.

<sup>2</sup> Евсеев В.В. Авторитаризм в Центральной Азии (на примере Казахстана) // Вестник МГИМО-Университета. -2013. №5(32). - С. 103.

Қирғизистонда ички вазиятнинг хусусияти унинг узоқ йиллар давомида ўта нозиклиги, иқтисодий заифлик, сиёсий тизим инқироzi сақланиб қолаётгани ва асосийси давлат расмий институтларининг мавқеи жамиятда ва мамлакатнинг айрим ҳудудларида мустаҳкам эмаслиги каби ҳолатлар билан характерланди. Қирғизистонда ўтиш давридаги сиёсий жараёнлар минтақанинг бошқа республикаларидан фарқли ўлароқ жамиятда барча сиёсий кучларни бирдек қаноатлантирадиган сиёсий тизим шаклига эришишнинг мураккаблиги, сиёсий инқирозларнинг «рангли инқилоблар» (2005 йилда – «Лола инқилоби», 2010 йилда – «Апрель инқилоби») кўринишида вақти-вақти билан такрорланиши, сиёсий кучлар манфаатларидаги мувозанатнинг йўқлиги, ҳукуматни идора қилиш шакллариининг тез-тез ўзгартирилиши, мамлакатдаги сиёсий вазиятга ташқи кучларнинг таъсири юқорилиги, мамлакатнинг со­цио­ма­да­ний, ҳудудий жиҳатдан икки қисмга («шимол» ва «жануб»га) бўлингани билан тавсифланади. Бу мамлакатда ҳукм сураётган беқарорликнинг асосий омили бўлди. Шу боис ҳокимият учун парламент ва президент ўртасидаги доимий рақобат мамлакат бошқарув шаклини ё парламентар, ё президентлик ёки аралаш шаклига ўтишга бўлган саъй-ҳаракатларда намоён бўлиб келган. Давомли қарама-қаршилиқлар ҳамда марказий ҳокимиятнинг республика бўйлаб таъсири бирдек эмаслиги Қирғизистон жанубида миллатлараро тўқнашувлар, қонли воқеалар учун шарт-шароит ҳозирлади.

Умуман, қирғиз жамиятида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизми тўлиқ шаклланмагани ҳокимият тармоқлари ўртасидаги низо­лар ва сиёсий инқирозларнинг бош омили ҳисобланади. Қирғизистоннинг чекланган иқтисодий имкониятлари эса ушбу тизимнинг шаклланишини янада секинлаштиради.

1991-1997 йилларда давом этган қирғин-барот фуқаролар уруши ва кўплаб йўқотишларни ўзига олган ўтиш даври Тожикистонда миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни ўта мураккаб кечганлигидан далолат беради. Марказий Осиёнинг ҳудуди жиҳатидан энг кичик мамла­кати, асосан тоғли ҳудудлардан иборат бўлган Тожикистонни тўртта нисбатан мустақил тоғ тизмалари бири­бини ажратиб турадиган ҳудудлар ташкил этади. Мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда субэтник ва конфессиялараро ихтилофларнинг эҳтимолий кескинлашуви хавфи каби омил (республика аҳолисининг аксарияти ислом динининг сунний мазҳаби­га, Тоғли-Бадахшон автоном вилояти аҳолиси эса шиа мазҳабининг исмоилия йўналишига эътиқод қилади – муаллиф изоҳи) алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, бу даврда Тожикистонда миллий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ сиёсий жараёнларга радикал исломий ҳаракат тарафдорларининг таъсири кучли бўлди. Узоқ вақт давомида Тожикистон Марказий Осиёнинг исломий сиёсий ташкилот (Тожикистон Ислom уйғониш партияси) расмий фаолият юритган ягона давлати бўлди. Унинг вакиллари 1997 йилда Москвада имзоланган умумий битимга мувофиқ 30 фоизлик квота доирасида республиканинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳарбий тузилмаларга

қўшилди<sup>1</sup>. Сиёсий жараёнларда давлатчилик ривожланишининг ўзаро қарама-қарши дунёвий ва теократик тенденциялари намоён бўлди.

Туркменистонда ўтиш даврида янги миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни бир мунча тез ва текис кечди. Айрим муаллифлар фикрича, ўтиш даврида туркман халқи на сиёсий, на маданий либераллашувни бошдан кечирди, сабаби мамлакат биринчи президенти С.Ниёзов собиқ советча бир партияли бошқарув моделини унга монанд туркман модели билан алмаштирди, коммунистик партия заминида Туркменистон демократик партиясини ташкил этди. Бу эса туркман элиталарига ҳокимият ва институционал имкониятларни сақлаб қолишга имкон берди<sup>2</sup>. Туркменистонда президентнинг мутлақ ҳокимияти ўрнатилгани ва кейинчалик миллатбоши мақомига кўтарилгани тарихан илдиз отган ўзига хос қадриятлар тизими, аксарият аҳолининг сиёсий жараёнларга сушт муносабати ва патернализм билан изоҳланади. Жамиятда қабила тизими ҳанузгача сақланиб қолгани (туркман халқини ташкил этувчи қарийб 20 та қабила орасида мамлакат аҳолисининг 40 фоизини ташкил этувчи теке қабиласи, шунингдек ёмуд ва эрсари қабилалари асосий рол ўйнайди), аҳолининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилган ҳолда анъанавий ҳаёт кечириши, миллий урф-одатларига риоя қилиш бўйича қатъий тартиблар мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётининг асосий омилига айланмоқда.

Барча ҳокимият дастакларини ўзида жам қилган, харизматик миллий етакчи сифатида намоён бўлган президент ҳамда табиий ресурслар экспортидан тушадиган юқори даромадлар (табиий газ захиралари бўйича дунёнинг тўртинчи мамлакати – *муаллиф изоҳи*) каби муҳим омиллар қабилаларо муносабатларга асосланган туркман жамиятининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлигини маълум даражада сақлаб турувчи мамлакат сиёсий тизимининг ўзига хослигини ифодалайди. Туркменистоннинг доимий бетарафлик мақоми, давлат ва жамият муносабатлари тизимининг ёпиқ табиати, кўплаб муаллифлар фикрича, деспотик хусусиятларга эга бўлган ўзига хос султонизм тартиботи ўрнатилишига олиб келди<sup>3</sup>.

Умуман, ўтиш даврида Марказий Осиё давлатларида миллий давлатчилик шаклланиши билан бир вақтда жуда зиддиятли жараёнлар кечди. Постсовет даврида аксарият Марказий Осиё республикаларида ички ва ташқи деструктив хавф-хатарлар, таъсирлардан (ташқи куч омили, субётник низолар, ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар, экологик ва табиий офатлар, терроризм ва экстремизм, наркотрафик ва бошқалар) холи бўлган барқарор, замонавий суверен демократик давлат барпо этиш жараёни якунига етмади. Бу даврда Ўзбекистон ва Қозоғистонда сиёсий жараёнлар изчил амалга оширилган бўлса, Қирғизистон ва Тожикистонда сиёсий инқирозлар билан бирга кечганини қайд этиш мумкин. Туркменистонда эса собиқ иттифок бошқарув усули туркман

<sup>1</sup> Қаранг: Общее соглашение об установлении мира и национального согласия в Таджикистане (и протоколы к нему) от 27.06.1997г. Завершённые операции ООН по поддержанию мира. <http://www.un.org/ru/peacekeeping/missions/past/unmotagr.htm>

<sup>2</sup> Стронски П. Независимому Туркменистану двадцать пять лет: цена авторитаризма // Московский центр Карнеги. 22.05.2017. <https://carnegie.ru/2017/05/22/ru-pub-70020>

<sup>3</sup> Sultanistic Regimes / Ed. by H.E. Chehabi, J.J. Linz. – Baltimore: Johns Hopkins Univ. Press, 1998; Аннет Бор. Туркменистан: Власть, политика и петро-авторитаризм. – London. The Royal Institute of International Affairs Chatham House, 2016. – С. 25-26.



халқи қадриятлари, этносоциал хусусиятлари билан қоришиб кетиб, ўзига хос миллий бошқарув модели шаклланди.

Мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг Марказий Осиё мамлакатларида миллий давлатчиликни демократик тамойиллар асосида яратиш ва ўз тараққиёт йўллариini белгилаш билан боғлиқ вазифалар устувор аҳамият касб этди. Умумий тарих ва маданият, советча ўтмиш ва давлатчилик анъаналарига эга бўлган минтақа республикаларида ижтимоий-иқтисодий шароит, миллий тараққиётни амалга оширишга бўлган ёндашувлар турлича бўлишига қарамасдан, мавжуд тоталитар бошқарувдаги тартиботдан миллий хусусиятлар эътиборга олинган демократик тартиботга «ўтиш» стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор бўлди. Бундай шароитда миллий тараққиётнинг тақдири кўп жиҳатдан сиёсий етакчиларга боғлиқ эди<sup>1</sup>.

Марказий Осиё давлатларида ўтиш даври масаласида расмий қарашлар хилма-хилдир. Масалан, *Қозоғистонда* амалдаги иккинчи конституциянинг қабул қилиниши (1991-1995 йй.); *Қирғизистонда* республиканинг биринчи конституцияси қабул қилиниши ва миллий парламентнинг шаклланиши (1991-1995 йй.); *Тожикистонда* 1991 йилдан 1997 йилгача давом этган фуқаролик урушининг тугаши; *Турманистонда* биринчи президент С.Ниёзовнинг «Рухнома» китоби ғоялари асосида ўзига хос миллий мафкура шаклланиши, доимий нейтралитет мақоми қўлга киритилиши (1991-2007 йй.); *Ўзбекистонда* 1991-2000 йилларда миллий давлатчиликнинг демократик асосларини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар назарда тутилади.

Минтақа мамлакатларида демократик давлатни барпо этиш бўйича танланган йўллар ҳам турлича бўлди. Хусусан, Қозоғистонда мустақилликнинг илк даврида юзага келган иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан оғир вазият кескин чоралар кўришга (кенг миқёсли хусусийлаштириш, стратегик конларни хорижий компанияларга сотишга) ундаган бўлса-да, мамлакат биринчи президенти Н.Назарбоевнинг жамиятдаги улкан мавқеи сиёсий барқарорликка асос бўлди. 1992 йилда мамлакат конституцияси қабул қилингунга қадар «Қозоғистоннинг суверен давлат сифатида шаклланиши ва тараққиёти стратегияси» деб номланган концептуал ҳужжат илгари сурилди. Ушбу стратегия Қозоғистон халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласига ғоявий пойдевор қўйган биринчи расмий ҳужжатларидан эди<sup>2</sup>.

Деярли барча постсовет мамлакатларида бўлгани каби Қозоғистонда ҳам Н.Назарбоев бошчилигида кучли бошқарув амалга оширилди, мамлакатнинг янги давлатчилиги асосларини «юқоридан – қуйига» шакллантиришга киришилди. Ушбу жараёнга нисбатан «бошқариладиган демократия» атамаси ишлатилиб<sup>3</sup>, унинг заминида президент ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, демократиянинг институционал элементларини изчил ривожлантириш

<sup>1</sup> Қаранг: Шкель С.Н. Постсоветские политические трансформации в отражении современной политической мысли // Историческая и социально-образовательная мысль. - 2014. - №6-2. – С. 287.

<sup>2</sup> Назарбаев Н.А. Казахстанский путь. – Караганда, 2006. – С. 16.

<sup>3</sup> Қаранг: Звягельская И.Д. Становление государств Центральной Азии. Политические процессы. – М.: Аспект Пресс, 2009. – 208 с; Мальшева Д.Б. Центральноазиатский узел мировой политики. - М., 2010. - 100 с.

орқали мамлакат сиёсий тизими барқарорлигини ошириш ғояси ётади<sup>1</sup>. Сиёсий ўзгаришлар, агар улар реал иқтисодий ресурслар билан қўллаб-қувватланмаса, катта ижтимоий-сиёсий хатарларга олиб келиши мумкин эди. Шу туфайли Қозоғистон расмийлари томонидан давлат қурилишининг биринчи босқичида «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойили<sup>2</sup> эълон қилиниб, республикада демократия тамойилларини тўлиқлигича ва жадал суръатларда жорий қилишдан воз кечилди.

Айни пайтда кучли президентлик институти Қозоғистоннинг сиёсий ривожланиши учун асосий пойдевор бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. 1997 йилда «Қозоғистон-2030» стратегияси (2030 йилгача жаҳоннинг барқарор ривожланаётган, рақобатбардош 50 та мамлакати қаторига кириш), 2012 йилда «Қозоғистон-2050» стратегияси (жаҳоннинг энг ривожланган 30 мамлакати қаторига кириш) эълон қилиниши бир томондан, давлат органлари ва жамоатчиликнинг асосий эътибори ва саъй-ҳаракатларини ушбу мақсадларни амалга оширишга жамлаш вазифасини бажарди. Иккинчи томондан, ушбу ҳаракатлар кўпроқ халқ бирдамлиги ҳамда биринчи президентнинг легитимлигини оширишга қаратилган кучли ғоявий мазмунга эга эди.

Қирғизистонда давлат қурилишининг расмий йўли этиб очиқ фуқаролик жамиятига асосланган демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш эълон қилинди<sup>3</sup>. Сабаби, фикримизча, ўтиш даврининг дастлабки йилларида демократик кучларнинг етакчи сифатида ва демократик шиорлар билан ўз сиёсий фаолиятини бошлаган президент А.Акаев бу жараёнда фаол демократик ўзгаришларни истаётган қирғиз жамоатчилигининг талабларини инкор этмади ва ўз сиёсий ҳокимияти легитимлигини таъминлашга эришди. Қирғизистонда «европача демократия»ни ривожлантириш ва республикани «иккинчи Швейцария»га айлантириш ғоялари илгари сурилди. Қирғизистонни Марказий Осиёдаги энг демократик давлат сифатида тақдим этилган ҳолда Ғарб мамлакатларидан катта миқдорда молиявий кўмак жалб қилишга муваффақ бўлинди. 1995 йилдан 2001 йилгача Қирғизистон ҳукумати қарийб 1,4 миллиард доллар миқдоридаги кредит ва займлар олди. Аммо бу маблағлар кўзланган натижани бермади. Бунинг сабаблари биринчи навбатда давлат бошқаруви аппаратида қариндош-уруғчилик алоқалари билан боғланган раҳбар кадрлар талайгина эканлиги, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка асосланган муносабатлар тизими ва коррупция чуқур илдиз отгани, халқаро молиявий кўмаклардан мақсадли фойдаланилмаслиги билан боғлиқ. Натижада истиқлолининг дастлабки ўн йиллигида катта ташқи қарзлар йиғилиб қолгани туфайли тараққиётга кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар Қирғизистонга қашшоқликни камайтириш стратегияси синовдан ўтказиладиган мамлакат сифатида қарай бошладилар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Евсеев В.В. Авторитаризм в Центральной Азии (на примере Казахстана) // Вестник МГИМО-Университета. -2013. №5(32). - С. 104.

<sup>2</sup> Чеботарёв А.Е. Политическая мысль суверенного Казахстана: Динамика, идеи, оценки. - Астана, 2015. - С. 146.

<sup>3</sup> Дононбаева А.А. Конституционные реформы в Кыргызской Республике // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. - Бишкек. - 2016. - №12-3. - С. 53.

<sup>4</sup> Олкотт М.Б. Второй шанс Центральной Азии / Московский центр Карнеги; Фонд Карнеги за международный мир. – Москва; Вашингтон, 2005. – С. 53.

А.Акаевнинг республикада демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миллий тенгликни сақлаш борасидаги чиқишлари маълум бир даражада Ғарб ҳамжамиятида Қирғизистоннинг «Марказий Осиёдаги демократия ороли» сифатида имижиси хосил бўлишига хизмат қилди<sup>1</sup>. Сўнгги 25 йил ичида ушбу концепциянинг мазмуни қирғиз давлатчилигининг шаклланишидаги можаролар ва бўлинишларга ҳамоҳанг тарзда қайта-қайта ўзгаришларга юз тутди<sup>2</sup>.

Фикримизча, зиддиятлар негизи ҳокимият вакиллариининг кучли ҳудудий кланларга мансублиги, туб аҳолининг ўзаро фарқли цивилизацион ва маданий турмуш тарзига эгаллиги, кўпмиллатли жамиятнинг мавжудлиги, мамлакатда ҳукм сураётган популизм ва ғоявий плюрализм муҳитида шаклланган мавжуд сиёсий партиялар демократик қоидалардан асосан муайян гуруҳларнинг тор мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга интилиши каби омиллардан келиб чиқувчи мафкуравий ва сиёсий турфа хилликда эди. Ушбу омиллар қирғиз жамиятини бошқаришда қийинчиликлар тўғдирмоқда. Айни вақтда Ғарб либерал демократик анъаналари, қирғиз жамиятида бунинг учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий заминларни тўлиқ шакллантирилмаган ҳолда жорий этилиши норасмий уруғ-аймоқчилик алоқалари жамият манфаатларидан устун қўйилишига олиб келди. Бу эса давлат институтларининг умумий заифлигини намоён қилди. Натижада 2000-йилларнинг ўрталаридан бошлаб экспертлар томонидан Қирғизистон суверен давлат сифатида қарор топмаган, муваффақиятсиз давлатлар («failed state») каторида тилга олина бошлади.

Тожикистонда фуқаролар уруши шароитида аввалига инқилобий характердаги сиёсий ислохотлар амалга оширилган бўлса, республика президенти Э.Рахмоннинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланиши билан ислохотлар суръати ҳам мўътадиллашди. Тожиكلараро можаролар пайтида, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 100 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган, худди шунча одам бедарак йўқолган, 1 миллионга яқин киши қочқинга айланди. Республикага етказилган иқтисодий зарар 7 миллиард АҚШ долларидашиб кетган<sup>3</sup>. Фуқаролар уруши тожик жамиятини нафақат мафкуравий, балки ҳудудий принципга кўра ажратиб юборди.

Шу сабабли ўтиш даврида Тожикистоннинг давлатчилик ва тараққиёт йўли биринчи навбатда миллий бирликка эришиш, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, сиёсий мустақиллик, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, дунёвий давлатчилик ва жамиятнинг барқарор ривожланишини мустаҳкамлаш ҳамда ўткир ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш каби устувор вазифалар билан боғлиқ эди.

